

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УДК-687.14:677.075.44.

БОБОМИРЗАЕВ АБДУЛАЗИЗ АБДУЛХАМИТОВИЧНИНГ
ТУРЛИ БАХИЯ ҚАТОРЛАР ГЕОМЕТРИК ЎЛЧАМЛАРИНИ ХИСОБГА
ОЛГАН ХОЛДА ЗАМОНАВИЙ ТИКУВ МАШИНАЛАРИДА ВАҚТ
МЕЪЁРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАДҚИҚИ

**Мутахассислик: 5A320902-«Тикув буюмлари технологияси ва
конструкциясини ишлаш»**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Доц. Н. Набиджанова

« ____ » _____ 2014 й.

Наманган – 2014

МУНДАРИЖА

I-БОБ. КИРИШ.....	2
1. Муаммонинг умумий тавсифи.....	6
1.1. Оммавий тикув ишлаб чиқаришнинг ҳозирги кундаги ҳолати.....	9
1.2. Оммавий тикув ишлаб чиқаришдаги потоклар тушунчаси.....	16
1.3. Турли бахякаторлар геометрик ўлчамлари таҳлили.....	19
II-БОБ. МОДЕЛ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	23
2.1. Наманган вилояти тикувчилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган моделлар ассортиментини танлаш ва уни асослаш.....	23
2.2. Танланган моделларнинг асос конструкция чизмасини ишлаб чиқиш.....	25
2.3. Устки ва енгил кийимларни моделлаштириш.....	35
2.4. Танланган моделлар ва конструкция чизмаси асосида ишчи андозалар тайёрлаш... ..	37
III-БОБ. ЭРКАКЛАР ЕНГИЛ ВА УСТ КИЙИМЛАРИНИ ТИКИШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИДА САРФ ВАҚТ МЕЪЁРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	41
3.1. Эркаклар енгил ва уст кийимлар ассортиментини тикиш технологик кетма-кетлигини тузиш.....	41
3.2. Танланган ассортиментларга технологик ишлов бериш.....	42
3.3. Замонавий тикув машиналарини универсал тикув машиналардан фарқини асослаш.....	61
IV-БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ҲИСОБИ.....	67
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	79
Фойдаланилган адабиётлар.....	80
ИЛОВАЛАР.....	82

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси йилдан-йилга тобора ортиб бораётганлиги мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида ҳалқимиз танлаб олган ривожланиш йўли нақадар тўғри ҳамда пухта асосга эга эканини, энг муҳими, уларнинг негизида фуқароларимизнинг ҳаётий орзу-интилишлари ва манфаатлари ўзининг яққол ифодасини топганини кўрсатмоқда.

Биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган келажаги буюк давлатни барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг мураккаб, изчил ва давомли йўлида ҳар бир йил алоҳида поғона бўлиб хизмат қилаётгани эътиборлидир. Шунинг учун ҳам якунига етган ҳар бир йил давомида босиб ўтган йўлимизни атрофлича сарҳисоб қилиб, мамлакатимиз миқёсида эришилган ютуқ ва натижаларни чуқур таҳлил этиш, юксак марраларни қўлга киритиш учун олдимизда турган энг муҳим ва устивор вазифаларни белгилаб олиш ижтимоий-иқтисодий тарққиётимизни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи ўрин тутади. Мамлакатимизда 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича дастур чора-

тадбирларни, шу жумладан инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилишни, кўмакка муҳтож оилалар, шахсларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳоли,

					Турли баҳия қаторлар ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда замонавий тикув машиналарида вақт сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш тадқиқи							
					КИРИШ			адабиётлар		оғирлиги	масштаб	
Ўзг	варок	Хужжат №	Имзо	Сана								1:5
Чизди		Бобамирзаев А										
Текширди		Набиджанова Н										
Қаб.қилди		Набиджанова Н						варок		вароклар		
Кафедра мудир		Ж. Эргашев			ЕСМКТ кафедраси			НамМТИ МТБКТ - 12 гуруҳи				

айниқса, қишлоқ аҳолисининг даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш, ижтимоий соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда [1].

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон Республикаси мустақил ҳаёт йўлидан ёрқин келажак сари дадил бормоқда. Ўтган давр ичида мустақиллигимизни сиёсий ва иқтисодий мустаҳкамлаш борасида қатор амалий тадбирлар кўрилди.

Иқтисодий соҳада мустақилликни мустаҳкамлаш бу борада жиддий ишлашни тақозо қилади. Сабаб, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон асосан хом ашё манбаи бўлиб, унинг бутун иқтисодиёти иттифоқ халқ хўжалиги учун хизмат қилган.

Масалан, Ўзбекистон собиқ иттифоқда тайёрлаган пахтанинг 70 фоизини етказиб берган ҳолда, ўзида атига 7-8 фоиз пахтани қайта ишларди, холос.

Эндиги вазифа–хом ашёмизни ўзимизда қайта ишлаб, жаҳонга тайёр маҳсулот чиқариш, аҳолини сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун замонавий машина ускуналарни қўллаш, мавжуд корхоналарни қайта қуриб жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини дунё стандарти талабларига кўтаришдан иборат [2,3].

“Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг провард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан баркамол, етук ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади” деб таъкидлаган эди юртбошимиз.

Шундай экан тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналарига замонавий тикув асбоб ускуналари ва жиҳозларини олиб кириш билан бир қаторда, ундан самарали фойдаланиш, иш унумини ошириш, вақт сарфини

камайтириш ва ишчининг малакасини ошириш каби амалий ишларга эътиборни қаратиш керак.

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришишдан олдин (собик иттифок даврида), тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналарида ишчининг разряди ва фойдаланаётган асбоб ускунасига қараб, кийим тикиш технологик жараёни сарф вақти меъёри бўйича Куликова И.А, Назарова А.И, Матузова Е.М, Реут Т.Н, Никитина И.Г ва В.А.Шишова каби Россиялик олимлар илмий тадқиқот изланишларини олиб борганликлари маълум.

Лекин, замонавий, кам операцияли тикув машина ва жиҳозларини қўллаб турли ассортиментларнинг тикиш технологик жараёни сарф вақти меъёрини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилганлиги ҳақида деярли маълумотлар йўқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, замонавий тикув машиналарини қўллаб вақт сарфи меъёрини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади:

Замонавий тикув машиналарида ишлаб чиқарилаётган вақт сарф меъёрини ишлаб чиқиш ва уни тикувчилик корхоналари, олий ўқув юрти ва мутахассислик йўналишлари мавжуд бўлган касб–ҳунар коллежларига татбиқ этишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги

- Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарини иш фаолиятини ўрганиш;
- Ассортимент турини танлаш ва уни лойаҳалаш;
- Ишлаб чиқариш корхоналарида тикилаётган маҳсулотларни тикиш жараёнида сарфланаётган сарф вақт меъёрини аниқлаш бўйича амалий тадқиқот олиб бориш;
- Бир хил ассортиментли ишлаб чиқариш корхоналарининг иш жараёни, асбоб-ускуналари ва сарф вақтини таққослаш ва таҳлил қилиш;
- Танланган ассортиментлар бўйича сарф вақт меъёрини ишлаб чиқиш;

- Технологик жараёнларни меъёрини ишлаб чиқиш;

Ишнинг амалий аҳамияти

- Олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- Амалий ва назарий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган технологик жараён сарф вақт меъёрини мутахассислик бўйича касб-ҳунар коллежлари, тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналари ва олий ўқув юртларида қўллаш учун ўқув услубий қўлланма яратиш.

Тадқиқот усули

Диссертация иши назарий ва амалий, шунингдек тажриба синов ишларидан иборат. Тажриба синов ишлари Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган “ZAMIN LUX TEXTIL”, “EXFOR MILANO”, “ASROR TEXTIL” МЧЖ хусусий корхоналарининг замонавий асбоб-ускуналарида олиб борилди.

Ишнинг апробацияси

- Наманган мухандислик технология институтининг “Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси” кафедрасида;
- Енгил саноат касб-ҳунар коллежлари ва тикувчилик корхоналарида апробациядан ўтган.

Чоп этилиши

Магистрлик диссертация ишининг асосий бўлимлари бўйича материаллар Наманган мухандислик технология институтининг Республика анжумани журналлар тўпламида чоп этилди.

Ишнинг ҳажми ва структураси

Диссертация ишида жами IV-боб бўлиб, кириш, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалар берилган. Иш компьютерда

ёзилган, иловадан ташқари 82 бет, 19 та чизма ва 27 та жадваллардан иборат.

Муаммонинг умумий тавсифи

Ҳозирги пайтда республикамиз саноат корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири: ускуналарни замонавийлаштириш, юқори сифатли, чиройли кийимларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, тезда мослашувчи янги оқим линияларини қуриш, тикувчилик тармоғини жадал ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат [4].

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун корхоналарни қайта қуриш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологияни такомиллаштириш талаб қилинади.

Янги, кам операцияли технологиялар яратиш тикувчилик маҳсулотларига ишлов беришни такомиллаштиришдаги истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Кийим деталларига ва узелларининг конструкциясида чокларни иложи борича камайтириш, намлаб иситиб ишлов бериш, ускуналарни виброманикен сингари бир жараёнли турларида материалларга уларнинг термопластик хусусияти ҳисобига шакл бериш, бириктириш ва безаш жараёнларини бирлаштириш, елим материаллардан кенг фойдаланиш ва ҳоказолар ана шундай кам операцияли технологияларга киради.

Ҳозирги вақтда тикувчилик саноатида кийимни моделлаш босқичида ҳам қўл меҳнатининг салмоғи катта бўлиб, бу меҳнат унумдорлигини ўсишини секинлаштиради. Шунинг учун, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Булар тезюрар тикув машина ва ярим автоматлари, намлаб иситиб ишлаш жиҳозларидан иборат.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда замонавий тикув машиналарида вақт сарфи меъёрини ишлаб чиқиш

тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналарининг олдидаги долзарб муаммолардан биридир.

Меҳнат сарф вақти меъёри-бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нормаси (меъёри) ёки тикиш жараёнидаги ҳар бир операцияга кетадиган вақт сарф нормасини назарий асослашдан иборат.

Битта маҳсулотни ишлаб чиқариш вақт меъёрига қуйидагилар киради:

- 1) Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги технологик жараён вақт сарф меъёрини ишлаб чиқиш;
- 2) Маҳсулотга ишлов бериш усулини таҳлил қилиш: кийим шаклини рационал бўлинишини лойиҳалаш, иш жойини ташкиллаштириш ва ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигини ошириш;
- 3) Тикиш жараёнида тажриба олиб боришни ўрганиш;
- 4) Ишлаб чиқариш тажриба синов натижаларини олиш;
- 5) Синов натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- 6) Синов натижалари бўйича сарф вақт меъёрини таҳлил қилиш.

1957 йили тикувчилик марказий илмий-тадқиқот институти ЦНИИШП (Центральный научно-исследовательский институт швейной промышленности) томонидан “Катталар уст кийимини ишлаб чиқариш ва уни кийиш” жараёнидаги кўрсатмалар бўйича сарф вақт меъёри ишлаб чиқилди.

Кейинги йилларда тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналари техник даражаси ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда турли хилдаги ассортиментлар сарф вақт меъёрини тавсия этилди [5].

Т.Н.Реут эркаклар ва аёллар устки кийимини ишлаб чиқариш технологик жараён сарф вақт меъёрини (энг яхши кўрсаткичлар бўйича) таққослаш жадвалини тузди.

Қўйида 1988 йил ишлаб чиқариш жараёнида кийимни бириктириш бўйича меҳнат унумдорлигини таққослаш жадвали берилган [6,7,8].

1-жадвал

Бажариладиган ишлар номи	Иш-нинг тури	Қишки устки кийим			Мавсумий устки кийим			Фойдаланилган жиҳоз
		Умумий сарф вақти (минут)	Такрор ланиш (%)	% ҳисоби билан сарф вақти	Умумий сарф вақти (минут)	Такрор ланиш (%)	% ҳисоби билан сарф вақти	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Кийим барча деталени текшириш	қ	1,54	100	1,54	1,54	100	1,54	-
Таҳламани кўклаш (5%)	м/м	1,28	5	0,06	1,28	5	0,06	2222 класс тикув машинаси
Олд бўлак билан яхлит бичилган ва алоҳида бичилган борт қотирмаларини бириктириш	м	1,08	25	0,27	1,08	40	0,43	1022 тикув машинаси
Орт бўлак ўрта қирқимини кўлда бириктириш	қ	3,7	17,5	0,65	3,7	17,5	0,65	Қайчи, игна, ип
Орт бўлак ўрта қирқимини тикув машинасида бириктириш	м/м	2,22	52,5	1,17	2,22	52,5	1,17	2222 класс тикув машинаси
Кийим этагини ичкарига букиб тикиш	м/м	2,41	100	2,41	2,41	100	2,41	2222 класс тикув машинаси

1-жадвалда эркалар ва аёллар устки кийимларини (қишки ва мавсумий) тикишда сарфланадиган умумий вақтлар (минутда) 3 ва 6 устунчаларда кўрсатилган.

1.1.Оммавий тикув ишлаб чиқаришнинг ҳозирги кундаги ҳолати

Республикамизнинг равнақи кўп жиҳатдан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги моделларини яратиш, уларнинг сифатини яхшилаш, нафақат Республикамизнинг аҳолисига, қолаверса, чет элликларга ҳам манзур бўладиган замонавий тикувчилик буюмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳамда енгил саноатни технологик жараёнларини модернизация қилиниши соҳа мутахассислари олдиларидаги асосий вазифалардан биридир.

Фан-техника ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар, янгиланиш даври техника ва технологияларни янги авлодини жорий этиш, иктисодиётнинг янги асосини яратишдек мураккаб шароитда бормокда. Бундай ўзгаришлар албатта, соҳа мутахассисини билим даражасини кенг қамровли, мукамал айти пайтда аниқ мутахассисликни эгаллашга қаратилган бўлишини тақозо этади.

Мустақил Ўзбекистон иктисодини ривожлантиришнинг асосий йўналиши ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқишда трикатож ишлаб чиқариш соҳаси олдига янги илмий техникавий прогрессидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, хом-ашё тежамкорлигига эришиш, чиқинди миқдорини камайтириш технологияларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни кўяди.

Шу билан биргаликда ишлаб чиқариш корхоналаридаги техника ва технологияларни модернизация қилиш, ҳамда янги замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган корхоналарни барпо этишни тақозо этади. (2-жадвал)

Бу борада Республикамизда ва шунингдек, Наманган вилоятида назарий ва амалий ишлар олиб борилмокда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 916-сонли қарорини бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва

Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кейинги йилларда асосий эътибор олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион корпоратив ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилмоқда. Мазкур ўта долзарб масалани ечимини топиш бўйича Республикамизда “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалар”и ўтказилмоқда. Унда илмий ва таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида шартномалар имзоланмоқда [9].

Наманган текстили кластерини шакллантиришнинг асосий мақсади ҳам корхоналарнинг инновацион лойиҳаларга бўлган талабларини шакллантирувчи омилларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш тизимини яратиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот ишининг мақсадига кўра, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган “ALFI TEXTIL”, “AISHA HOME TEXTIL”, ООО “STULE TEXTIL” ва “Водий ёғоч савдо” хусусий корхонаси иш фаолияти ўрганилганда Россия, Хитой ва Туркия каби давлатлар билан ҳамкорлик асосида маҳсулот экспорти ҳисобидан корхоналарга катта фойда келтираётганлиги эвазига ишлаб чиқаришни замонавий жиҳоз ва технологиялар билан таъминланиши, маҳаллий кадрларни иш билан таъминланаётганлиги, шунингдек, ишчилар маошини ошириш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлигига амин бўлинди [10].

Қўйидаги 2-жадвалда Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг такомиллаштириш бўйича маълумотлар берилган.

**Наманган вилоятида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари ишлаб
чиқариш корхоналарини ташкил этиш ҳамда мавжуд ишлаб
чиқариш корхоналарини кенгайтириш, шу билан
биргаликда уларни такомиллаштириш бўйича**

М А Ъ Л У М О Т
(2011-2013 й.й)

2-жадвал

№	Лойҳани нг номи, манзили	Ишлаб чиқарила диган маҳсулот номи	Иш- лаб чиқа риш йил лик қувва ти	Лойи ха нинг қий- мати (минг АҚШ долл)	Лойиҳанинг молиялаштириш манбалари			Ишг а туши риш мудд ати	Янги иш ўрни (киш и)
					Маҳал лий инвес тор мабла ғи (минг. долл)	Хори- жий хам кор ва мабла ғи (минг. долл)	Банк номи ва кре дити (минг. долл)		
	I. Модернизация ва технологик қайта жиҳозлаш			7055,0	5460,0		1820,0		847
1	"Чошгоҳ" МЧЖ (Наманган ш.)	Пахтадан тўқилган сочиқлар	3,0 млн.п .м.	770,0	420,0		Ипак йўли банки 350,0	1- чор. 2011 й.	22
2	"Ширибом " МЧЖ (Янгиқўрғ он тумани)	Трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш	0,5 млн.д она	120,0	60,0		Агро банки 60,0	2- чор. 2011 й.	50
3	"Инвест Тех-ИБ" МЧЖ (Тўрақўр ғон туман)	Ип газлама матолар ишлаб чиқариш ва пардоз беришни ташкил этиш	8,0 млн. кв.м	3700, 0	3700,0		Агро банк	1- чор. 2011 й.	85
4	"Наманган қоғози" МЧЖ Наманган	Маданий- маиший товарлар ишлаб чиқариш	800,0 млн.с ум	250,0	250,0		Мил лий банк	1- чор. 2011 й.	95
5	"Дамбоғ пойабзал савдо" ХК Наманган	Пойабзал ишлаб чиқариш	100,0 минг жуфт	90,0	30,0		Хам кор банк 60,0	2- чор. 2011 й.	95
6	"Истикбол пойабзал савдо" ХК Наманган	Пойабзал ишлаб чиқариш	50,0 минг жуфт	175,0	50,0		Алок а банк 225,0	2- чор. 2011 й.	70

2-жадвал давоми

7	"Мухаммадий Текстиль" ХК Наманган ш	Трикотаж махсулот ларини ишлаб чиқариш	50,0 минг дона	100,0			Халк банки 100,0	2- чор. 2011 й.	50
9	"Замин люкс Текс тиль" ХК Наманган ш	Тикув буюмлари ишлаб чиқариш	5,0 минг дона	100,0			Алок а банк 100,0	3- чор. 2011 й.	20
10	"Дилрабо СДА" КК (Тўрақўрғон тумани)	Трикотаж буюм лари ишлаб чиқариш	300,0 млн.с ум	40,00	40,0		Агро банк	3- чор 2011 й.	10
11	"Косонсой Ал Азиз" МЧЖ (Косонсой тумани)	Болалар пойабзали ишлаб чиқариш	170,0 минг жуфт	160,0	60,0		Саноа тқури лиш банк 100,0	4- чор. 2011 й.	50
12	Tradewell international " МЧЖ (Косонсой тумани)	Чарм буюм лари ишлаб чиқариш	25,0 минг дона	200,0	200,0		Мил лий банк	4- чор. 2011 й.	20
13	"Заркент текстил" МЧЖ (Наманган тумани)	Шои мато ишлаб чиқариш	200 минг. п.м	550,0	250,0		Агро банк 300,0	4- чор. 2011 й.	200
14	"Ифтихор кийим саноат" МЧЖ Наманган шахар	Тикув буюмлари ишлаб чиқариш (кастюм- шим) кўшим ча ишлаб чиқариш ни кенгай тириш лойиҳаси	30 минг дона	100,0	100,0		Агро банк	2011 йил 4-чо рак	10
15	"Текстил- Либос" МЧЖ Наманган тумани	Тикув (сочик) махсулот лари ишлаб чиқариш	30 минг дона	200,0	200,0		Агро банк	2011 йил 2-чо рак	20

2-жадвал давоми

16	"Люкс плюс сервис" МЧЖ Наманган шахар	Тикув буюм лари ишлаб чиқариш (кастюм- шим)	20 минг дона	400,0			Асака банк 400,0	2011 йил 4- чорак	40
17	"Голден Силк" ҚК Наманган тумани	Ипак матолар ишлаб чиқариш	0,01 млн.к в.м	100,0	100,0		Мил лий банк	2011 й. 4- чорак	10
II. Янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш				10870 ,00	5810,0 0	3700,0 0	1500		10 98
1	"Чуст метал сервис савдо" МЧЖ (Чуст тумани)	Уй-рўзгор ва хўжалик товарлар пласт масса ва металга- лантерия товарлари ишлаб чиқариш	3,0 млн. дона	120,0	20,0		Халк банки 100,0	1-чор. 2011 й.	30
2	"Малика холис сервис" ХК (Наман ган туман)	Пойабзал ишлаб чиқариш	6,0 минг жуфт	120,0	20,0		Агроб анк 100,0	2-чор. 2011 й.	5
3	"Собиров Улуғбек" ХК (Норин тумани)	Пайпоқ маҳсу лотлари ишлаб чиқариш	200,0 минг дона	40,00	10,0		Микр окред ит банк 30,0	2-чор. 2011 й.	7
4	"Файз" ХК (Наманган ш.)	Пойабзал ишлаб чиқариш	10,0 минг жуфт	40,00	10,0		Ипоте ка банк 30,0	3-чор. 2011 й.	10
5	"Янги тонг тепалиги" ХК (Норин тум)	Тикув буюмлари ишлаб чиқариш-	25,0 минг дона	260,0	60,0		Агро банк 200,0	3-чор. 2011 й.	15
6	"Учқўрғон соар экстракт" МЧЖ (Учкурғон тумани)	Хўжалик ва атир совун ишлаб чиқариш	2000 тонна йили га	750,0	250,0		Алп Жа мол банк 500,0	3-чор. 2011 й.	20

2-жадвал давоми

7	"Водий ипаги" МЧЖ собик "Атлас" АЖ базасида Наманган ш	Аралаш ва шойи матолар ишлаб чиқариш	1,2 млн. кв.м	5000, 0	5000,0		Мил лий банк	4-чор. 2011 й.	350
8	"Ўрикзор кувончи" ХК (Косонсой тумани)	Пойаб заллар ишлаб чиқариш	25,0 минг жуфт	230,0	30,0		Саноа тқури лиш банк 200,0	4-чор. 2011 й.	15
9	"Малика холис сервис" ХК (Наманган тумани)	Бош киймлар ишлаб чиқариш	8,0 минг дона	110,0	10,0		Агро банк 100,0	4-чор. 2011 й.	16
10	"Стайл Текс" МЧЖ (Чуст тумани)	Трико таж буюм лари ишлаб чиқариш	1,5 млн. дона	300,0	300,0		Мил лий банк	4-чор. 2011 й.	300
11	"Муборак ипакчи текс" МЧЖ Уйчи тумани	Ипак матолар ишлаб чиқариш	0,05 млн.к в.м.	100,0	100,0		Мил лий банк	2011 й. 4- чорак	10 0,0
12	"Намур ин вестсервис МЧЖ Наманган ш	Трико таж буюм лари ишлаб чиқариш	0,3 млн. дона	100,0			"Туро нбанк " 100,0	2011 й. 4- чорак	10 0,0
13	«Тошбуло қ текс» ҚК Наманган тумани	калава ип	3000	3700, 0		3700,0	Агро банк 110,0	2011 йил	13 0,0
I. Модернизация ва технолик қайта жихозлаш				19755 ,0	19025, 0		730		23 75
1	"Уй меҳнати " МЧЖ (Косонс ой тумани)	Ип газлама матолар ишлаб чиқариш 200 минг кв. м.		30,0			Микр окред ит банк 30,0	1-чор. 2012 й.	25

2-жадвал давоми

2	"Муслим Текс" КК (Наманган ш.)	Трико таж матолар ишлаб чиқариш	3000 тонна	725,0	25,0		Асака банк 700,0	2-чор. 2012 й.	50
3	"Хайн Текс" КК (Наманган ш.)	Ип газлама матолар ишлаб чиқариш	9,6 млн.п.м.	19000,0	19000,0		Миллий банк	3-чор. 2012 й.	2300
II. Янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш				2220,0	2060,0		200,0		345
1	"Замин метал саноат" МЧЖ (Наманган ш.)	Металлогалантерия буюмлари ишлаб чиқариш	5,0 млн. дона	150,0	50,0		Саноатқурилиш банк 100,0	1 чор. 2012 й.	25
2	"Жаннат хон Раънохон Дурдона" ХК (Учкурган тумани)	Пайпок мащсул отлари ишлаб чиқариш - 400,0 минг дона		70,0	10,0		Агро банк 60,0	1-чор. 2012 й.	20
3	"КапТекс" МЧЖ (собик "Уйчи йигирув тўкув" АЖ) Уйчи тумани	Пайпок махсулотлари ишлаб чиқариш	4000	1700,0	1700,0		Капитал банк	2012 йил	100
4	"КапТекс" МЧЖ ("Уйчи йигирув тўкув" ОАЖ) Уйчи тумани	Калава ип	3000	300,0	300,0		Капитал банк	2012 йил	200

Ҳозирда ишлаб чиқариш корхоналарида табиий материаллардан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш, ишчи-ходимларнинг меҳнатга бўлган муносабатларини ривожлантириш, янги техника-технологияларни ишлаб чиқариш корхона ва фирмаларга жорий этиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида тадбиркорлик билан шуғулланиётган тадбиркорлар учун кенг йўл очиб берилмоқда.

1.2. Оммавий тикув ишлаб чиқаришдаги потоклар (бўлимлар)

тушунчаси

Бугунги замон талаби, ишлаб чиқариш корхоналарида бошқарувнинг комплекс автоматлаштирилган тизимига ўтказишдан иборатдир. Бу талаб тикув ишлаб чиқариш корхонасига ҳам узвий боғлиқ бўлиб, бундай талабни корхонанинг бошқарув интеграция системаси (ИС) деб юритилади. Интеграция системаси нима, уни тикувчилик корхонасига қўллашдан нима фойда? Интеграция системаси (ИС)-бу буюртмачи талабидаги хом ашё ва маҳсулотларини сотиши корхонанинг ресурс ва режаларини амалга оширишда ижобий натижалар беради. Интеграция системаси (ИС)- у умумий қилиб айтганда, корхонанинг режалаштириш ва барча ресурсларни бошқаруви дегани. Интеграция системаси (ИС) қисқа муддат ичида рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, автоматлаштирилган технология билан моделларни ишлаб чиқиш ва газламани бичишда, маҳсулотни тикиш технологик жараёнини тезлаштиришга катта ёрдам беради. Юқорида белгиланган ва олдимизга қўйган вазифалар ечимини топишда:

-лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизими САПР (инглиз варианты – CAD, Computer Aided Design);

-ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган бошқарув системаси (АСУП) – САПР билан интеграциялашган (инглиз варианты – ERP, Enterprise Resource Planning)

Интеграция система модули турлича эмас балки, бирламчи система бўлишлиги ўта муҳим ҳисобланиб, у корхонанинг барча бўлимларига бирламчи база маълумотлари билан комплекс хизмат қилади. Бундай интеграция ёндашуви корхона ишини ташкил қилишни такомиллаштиришга олиб келади.

Интеграция системаси (ИС)ни назорат қилиш бўйича ишлаб чиқаришнинг умумий жараёни (тикувчилик ишлаб чиқариш корхонаси)ни, 5 та асосий потокларга ажиратиш мумкин:

1. Материал поток (бўлим)

Тикувчилик корхоналарида фурнитура ва тайёр маҳсулотлар омборлари бўлиб, автоматлаштирилган омбор-материал ресурсларини режали бошқарувига олиб келади:

2. Информацион поток (бўлим)

Тикувчилик ишлаб чиқариш корхонасидаги информацион поток конструкторнинг модел ишлаб чиқишидан бошланади. Моделлар андозалари белгиланган баҳя узунлиги ва майдонига эга бўлади. Конструктор ёки технологлар модел техник ёзуви, чиқиш хужжатлари: информацион потокда модел андозаларининг спецификацияси, табель мери, дубликация схемаларини, жойлашмачилар эса, андаза жойлашмаларини тайёрлайдилар. Кўп корхоналар лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизими САПРдан фойдаланадилар. Комплекс автоматлаштирилган тизим САПРда конструктор ва жойлашмачиларнинг иши режалаштирилган программа ёрдамида автоматик тарзда амалга оширилади.

Конструктор ва жойлашмачилар иши САПРда (маълумотлар базаси асосида) келишилган ҳолда умумий олиб борилганда “инсон фактор”ларига боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳатоликларни четлаб ўтилади.

3. Технологик поток (бўлим)

ERP- стандарт системаси – корхоналар ишини бошқаришни англатади. Ҳар қандай корхона ижобий натижаларга эришишни ҳоҳлайди.

Бундай ижобий натижаларга эришиш учун корхонага бошқарувнинг интеграциялашган системасини жорий этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Интеграциялашган система корхонанинг фаолиятига қараб ишлаб чиқилиши керак. Системанинг лойиҳа пакетида ишлаб чиқариш технологияси ҳисобга олинади. Бунинг учун технологик жараёнларнинг норматив ҳужжатлари (маҳсулотнинг иқтисодий таннархи, ишчининг технологик жараён сарф вақт меъёрини ҳисобга олган ҳолда) ишлаб чиқилиб, унинг программаси интеграция системасига киритилади.

4. Режалаштириш поток (бўлим)

ERP- стандарт системасида ишлаб чиқариш жараёни “Буюртмачилар ҳаракати потоги” деб қаралади. Буюртмалар бўлинмас бирламчи система ҳисоблананади ва барча корхона жараёни (режалаштириш жараёнидан тортиб, буюртмани жойларга жўнатишгача)ни ўзига жамлайди. Тикувчилик ишлаб чиқариш корхонаси буюртмага кўра моделлар эскизини, газламаси, ўлчам ва бўйларни ҳисобларини олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқади.

5. Финанс поток (бўлим)

Комплекс автоматлаштириш ва интеграция системаси (ИС)нинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши керакли участкаларда замонавий ва аниқ иқтисодий ҳисоботига катта ёрдам беради. Унинг натижасида ҳар бир бўлим вазифасига мос ҳолда иқтисодий ҳужжатларини олади. Шунингдек, программалаштиришда тикувчилик ишлаб чиқариш корхонасининг технологик жараёнидаги топшириқлар ҳисобга олиниши керак бўлади. Бу топшириқлар келгусида транспорт файл кўринишида, стандарт бухгалтер программаси таклифида ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган бошқарув системасига юборилади.

Юқорида келтирилган барча тикувчилик ишлаб чиқариш интеграция системаси (ИС) бошқарув компонентлари JULIVI (САПРЛЕГПРОМ фирмаси ишлаб чиқарган) программасида амалга оширилади.

- CAD/CAПP программларига: конструкцияларни қуриш, конструктор, тўшамачи, ISO файлларни оптимизатори, 3 жарёнли электрон манекенлар;

- ERP/АСУП программаларига: техник топшириқ, технологик кетма-кетлик, меҳнат тақсимоти схемаси, буюртмани режалаштириш, бўлақлар ҳисоби, ип сарфи ҳисоби, диспетчер, хом ашё омбори, фурнитура омбори, андазаларни таҳлови, тайёр маҳсулот омбори, ишчи меҳнатининг ҳисоби, маҳсулотнинг таннархининг ҳисоби киради [11].

1.3.Турли баҳяқаторлар геометрик ўлчамлари таҳлили.

Кейинги йилларда Республикамиз тикувчилик саноатини хориж давлатларининг йирик фирмалари ва енгил машинасозлик корхоналаридан келтирилган замонавий тикув машина ва асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Жумладан “JUKI” (Япония) фирмасининг меҳнат унумдорлиги юқори бўлган газлама четларини йўрмаб тикиш машиналари, “PFAFF” (Германия) фирмасининг электрон бошқарувли моки баҳя тикув машиналари, ярим автомат ва “DURKOPP” (Германия) фирмасининг универсал, шунингдек махсус ихтисослаштирилган тикув машиналари, “ZINGER” ва “BROTHER” фирмасининг, “UNION SPECIAL” (АҚШ) фирмаси махсус тикув машиналари ва ярим автоматлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда [12].

**Вазифасига кўра турли хил тикув машиналарининг бахяқаторлар
геометрик ўлчамлари**

3-жадвал

№	Тикув машиналари- нинг номи	Иплар сони	Асосий валини айла- ниш сони	Бахяси- нинг йирик- лиги	Тепкиси- нинг кўтарили- ш баландлиг и	Игна номери
1	DURKOPP 272-140042	Икки ипли	5000 айл/мин	0-4 мм	8 мм	110-140
2	PFAFF 45- 909-0045-001 F 002	Икки ипли	2500 айл/мин	0-5 мм	9 мм	110-140
3	JUKI DLN - 5410-6 EC- 321	Икки ипли	5000 айл/мин	0-4 мм	5,5 мм	DBx1/14
4	ADLER 69- FA-373	Бир ипли	2000 айл/мин	0-5 мм	8 мм	-
5	JUKI DDL- 555-5F-300	Бир ипли	5000 айл/мин	4 мм	10 мм	DPx5F/90
6	BROTHER DB2-B790-600	Икки ипли	4500 айл/мин	8 мм	6 мм	DBx1
7	DURKOPP B 262-185082	Иккита парал- лел бахя қатор	4000 айл/мин	0-6 мм	5 мм	
8	PFAFF 421 E -18-26	Бир ипли	3000 айл/мин	4,5 мм	Автомат ролик	134 LLGR
9	DURKOPP 265-15-20B	Синик бахя қатор ҳосил қилади		4 мм	6 мм	Вертикал ва бўйлама ҳаракатла нувчи
10	ZINGER 302U406-A	Иккита парал- лел бахя қатор	4500 айл/мин	4 мм	8 мм	3260-01
11	PFAFF 5487 R 16980 B	Иккита парал- лел бахя қатор (занжир симон)	5000 айл/мин	0-6 мм	8 мм	Игна орамли 2 мм

3-жадвал давоми

12	UNION SPECIAL 37500-2	Занжир- симон яширин бахя қатор	3500 айл/мин	3,2-8,4 мм	-	Тебранма ҳаракатла нувчи игна
13	Паннония 790	Бир ипли занжир- симон	3500 айл/мин	3-7 мм	3 мм	3669 EN 70-100
14	Brother GM-2- B 935	Бир ипли занжир- симон яширин бахя қатор	2500 айл/мин	9 мм	-	LWx5T
15	JUKI MO- 2516 DD4-300	Икки ва беш уч ипли занжир- симон йўрма бахя қатор	6500 айл/мин	0-4 мм	-	DCx27
16	DURKOPP 566-1101	Икки ипли ҳалқа йўрмаш	4500 айл/мин			

Бахяқаторлар геометрик ўлчамлари бўйича берилган 3-жадвалдаги DURKOPP 272-140042 икки ипли тикув машинаси енгил ва ўрта қалинликдаги газламаларни, PFAFF 45-90 9-0045-0014F002 юпқа ва ўрта қалинликдаги эркаклар костюм шимини, JUKI DLN-5410-6-EC-321 икки ипли тикув машинаси қалин чарм, JUKI DDL-555-5F 300 аёллар кўйлаги ва эркаклар костюмига этикетка тикиш, енгил ва ўртача қалинликдаги газламаларни тикишга мўлжалланган.

BROTHER DB2-B 790600 ва DURKOPP B 262-185082 тикув машиналари турли қалинликдаги шунингдек, енгил кўйлак ва костюмларни тикишга ихтисослаштирилган.

PFAFF 421 E-18-26 пальтобоп ва чарм газламалари учун, DURKOPP 265 1525 В эркалар, аёллар ва болалар уст кийимини тикишга, ZINGER 302 U 406-A қалин газламалар, шунингдек шимнинг ўрта қирқимларини тикишга, PFAFF 5487 г 169806 қалин газламалар, шунингдек, шимнинг ўрта қирқимларини тикишга, UNION SPECIAL тикув машинасида трикотаж матоларини тикиш, ҳамда йўрмаш ишлари бажарилади. Бу машинанинг бошқаларидан фарқи радиуси эгик игнасидадир. “Паннония 790” бир ипли занжирсимон тикув машинаси кўйлак, костюм ва пальтоларни қавиб ва букиб тикишда тивсия этилади.

BROTHER FM-2-B 935 бир ипли занжирсимон яширин баҳяқатор тикув машинасида кўйлақлар ва юбкалар этагини бостириб тикилади.

JUKI MO 2516 DD4-300 икки, уч ва беш ипли занжирсимон йўрмаш машинаси эркалар, аёллар, болалар ва трикотаж маҳсулотларини тикиш учун мўлжалланган. DURKOPP 566-1101 икки ипли ҳалқа йўрмаш тикув машинасида тугма қадалади. Бу машина ҳалқаларининг узунлиги 15,88; 17,46; 19,05; 20,64 мм. Ҳалқалар милкининг кенглиги эса 4 мм гача.

Бундан ташқари изма очадиган Венгрияда ишлаб чиқарилган Паннония CS 1652R-303 А ярим автоматлари ва кўплаб замонавий ярим автомат тикув машиналари юртимиздаги енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилмоқда.

Юқорида номи келтирилган тикув машиналарининг қулайлик томонлари бир вақтнинг ўзида бир неча операцияларнинг бажаришидадир.

Масалан: тикиш, бириктириш билан бирга йўрмаб ҳам ортиқча иплардан тозалаши мумкин.

Қўш игнали машиналар эса жинси шим ва юбкалар, шунингдек устки кийимлар ён томон қирқимлари устидан параллел баҳяқатор юритиш имконини беради.

I-боб бўйича умумий хулосалар.

Республикаимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси, олдимизда турган долзарб муаммолар, диссертация илмий янгилиги, амалий аҳамияти, тадқиқотнинг усули, муаммонинг умумий тавсифи, оммавий ишлаб чиқаришнинг замонавий кўриниши, вилоятимизда сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва уларни такомиллаштириш ва тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналаридаги бўлимлар, турли баҳяқаторлар геометрик ўлчамлари таҳлили жадваллар асосида ёритиб берилди.

II-БОБ. МОДЕЛ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

2.1. Наманган вилояти тикувчилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган моделлар ассортиментини танлаш ва асослаш

Президентимиз Ислом Каримовнинг 30 сентябр 2011 йилдаги Наманган вилоятига ташрифлари ва “Истиқлол” хусусий фирмаси билан танишишлари натижасида мазкур корхона фаолиятини янада ривожлантириш учун қўшимча ҳалқаро замонавий дизайн ательеси ва ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш бўйича берган қимматли тавсиялари ҳам бугунги кунда енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратиш кераклигини талаб этади.

Бугунги кунда Наманган вилоятида фаолият юритаётган 60 та кичик корхонанинг атига 25% да дизайнерлар фаолият кўрсатмоқда [13].

Аксарият енгил саноат ишлаб чиқариш корхоналари модел эскиз намуналари ва ишчи андозаларини Туркия Давлат стандартларига мос равишда ёки Тошкентдаги “Шарқ либослари” дизайн маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган модел андозалари бўйича маҳсулот

тайёрланиб, экспорт қилинмоқда. Бунинг натижасида корхона иқтисодий томондан кўпроқ зарар кўрмоқда.

Ваҳоланки, Наманган вилоятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айниқса, эркалар пиджак ва шими, сарочка ва пойабзаллари нафақат чет давлатлар балки, халқимиз эътиборидан четда қолмаяпти.

Юқоридагиларни инобатга олиб илмий тадқиқот ишининг 2-бобида эркалар ва ўсмир ёшдаги болалар пиджак, шим ва сарочка ассортименти учун классик услубдаги замонавий модел эскизлари асосида мавжуд конструкциялашнинг ЦОТШЛ усули бўйича лойиҳа чизмалари ва ишчи андозалари ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Лойиҳа чизмаларини ишлаб чиқишда 170-100-80 ўлчамлари “ГОСТ 17521-72 “Типовые фигуры мужчин размерные признаки для проектирования одежды” ва ОСТ 17-325-81 “Типовые фигуры мужчин. Размерные признаки для проектирования одежды” стандартига ёндашилинди.

Эркалар костюми икки қисмдан: пиджак ва шимдан ёки уч қисмдан: пиджак, шим ва жилетдан иборат бўлади. Эркалар пиджаги костюмнинг таркибий қисми бўлиб, шим билан комплект ташкил қилиши ёки алоҳида кийим тури сифатида кийилиши мумкин. (илова 1,2,3-расмлар)

Пиджакнинг узунлиги белдан пастгача, бўкса чизигида ёки бўксадан пастгача бўлади. Пиджак тақилмаси бир бортли ёки икки бортли (ассиметрик), шу билан бирга бир бортли пиджак тақилмаси юқоригача (бўйин асосгача), лацканли қилиб лойиҳаланиши мумкин. Лацканли тақилма бир ва ундан ортиқ тугма ва измадан иборат бўлади. Пиджакнинг модели одам ёшига, модел кўринишига, танланган услубга, газламага мос бўлиши керак.

Классик услубдаги пиджакларга олд бўлакда қирқма қопқоқли ёки рамкали чўнтак, лацкан ва иккита тугмали борт тақилмаси хосдир.

Эркалар пиджаги костюмнинг бир бўлаги бўлиб, шим, жикет билан ёки алоҳида лойиҳаланади.

Тақилмаси ва борт кенглигига боғлиқ ҳолда улар бир бортли ва икки бортли бўлади. Икки бортли пиджаклар борти бир бортлига қараганда кенгроқ бичилади.

Пиджакларнинг лацкани ўткир, ўтмас бурчакли ёки овал (доирасимон) бўлиши мумкин. Борт этак қисмининг шакли ҳам тўғри бурчакли ёки доирасимон бўлади.

Бир ва икки бортли пиджаклар ёпишган, ним ёпишган ёки тўғри бичимли бўлади. Елка кенглиги, кўкрак чизиғи бўйича олд бўлак кенглиги, лацкан шакли ва кенглиги, пиджак узунлиги, тугмалар ўрни, тақилма тури, чўнтаклар тури ва ўрни мода йўналиши билан аниқлаб олинади.

Классик пиджак олд бўлаги рельеф қирқимли (ён бўлакли) ёки яхлит қилиб лойиҳаланади. Технологик ишлов бериш учун қулайлиги, материал сарфини тежаш ва шакл бериш нуқтаи назаридан замонавий технология ва усулларга асосланган пиджак олд бўлагини ён қирқимли (рельеф қирқимли) қилиб лойиҳалаш қабул қилинган [14]

2.2. Танланган моделларнинг асос конструкция чизмасини ишлаб чиқиш

Эркаклар пиджаги, сорочка ва шим конструкциясини қуриш учун дастлабки маълумот

Пиджак учун керакли ўлчамлар

4-жадвал

Ўлчамлар белгиси	Ўлчамлар номи	Қиймат (см)
С бўй	Бўйин ярим айлана	20,3
С к ₁	Биринчи кўкрак айланаси	51,0
С к ₂	Иккинчи кўкрак айланаси	52,0
С к ₃	Учинчи кўкрак айланаси	50,0
С бел	Бел ярим айланаси	44,0
С бўк	Бўкса ярим айланаси	51,6
Ш кўк	Кўкрак кенглиги	19,0
Д орт. бел	Орт бўйин асоси (.) бел чизиғигача бўлган масофа	47,3
Д олд бел	Елка чок бош (чўққи) (.)дан белгача олд томондан бўлган масофа	46,1

4-жадвал давоми

В қўл.ўм	Елка чок бош (чўққи) (.)дан орт қўлтиқ ости бурчаги сатҳигача бўлган масофа	24,9
Ш орт	Орт кенглик	20,4
Д п	Пиджак узунлиги	76,0
Ш ел	Елка кенглиги	15,3
Д енг	Енг узунлиги	62,0
О ел	Елка айланаси	32,2
В п.к	Елка қия баландлиги	46,8
27	Астарни ён деталга бириктириш	60
28	Енгга изма очиш	60
29	Енгни тикиш	45
30	Енгни дазмоллаш	25
31	Енгни буклаш	35
32	Енгга шлица тикиш	45
33	Енгга астар тикиш	33
34	Енг астарни улаш	33
35	Енгга лента тайёрлаш	40

20-жадвал давоми

36	Енгга пасадка бериш	45
37	Енгга тугма қадаш	33
38	Енгни тайёр ҳолига келтириш	70
39	Енгни преслаш	60
40	Костюмга астарни ўрнатиш	60
41	Ёқа тайёрлаш	60
42	Ёқани ўрнатиш	60
43	Ёқани умумий зигзак қилиш м\м	90
44	Ёқани астарини тикиш	60
45	Ёқага шлица тикиш	80
46	Адип чокини очиш	70
47	Ёқа спушка қилиш	40
48	Умумий дазмол қилиш	110
49	Костюм олд қисмига изма очиш	40
50	Костюмга енгни ўрнатиш	60
51	Ёстикча ўрнатиш	25
52	Енг астарини тикиш	70
53	Елкани пресслаш	30
54	Костюм орт қисмини пресслаш	103
55	Костюм олд қисмини пресслаш	60
56	Ёқани пресслаш	46
57	Ёқани букиб пресслаш	28
58	Костюм ички қисмини дазмоллаш	73
59	Костюм олд қисмини дазмоллаш	57
60	Костюм орт қисмини дазмоллаш	48
61	Пардозлаш	130
62	Тозалов	58
63	Тугма қадаш	8
64	Упаковка қилиш	81
ЖАМИ		3114 51 минут 9 секунд

Эркаклар шимини тикиш технологик жараёни

“ASROR TEXTIL”

21-жадвал

№	Бажариладиган ишлар	Сарфланган вақт меъёри (секунд)
1	Шимнинг олд қисмини дазмоллаш	70
2	Шимнинг олд қисми ва мағизларига қотирма ёпиштириш	140
3	Чокни йўрмаш	290
4	Гулфик ўрнатиш	110
5	Олд чўнтакни спушка тикиш	70
6	Олд чўнтакка қотирма ёпиштириш	60
7	Олд бўлакни бириктириш	80
8	Гулфикка замок тайёрлаш	20
9	Памперс тайёрлаш	20
10	Орқа виточкани тикиш	110
11	Шимнинг орт қисмини дазмоллаш	70
12	Шимнинг орт қисмига мағиз тикиш	60
13	Орт мағизни дазмоллаш	30
14	Шлёпкани дазмоллаш	30
15	Орт чўнтак мағизни тикиш	80
16	Орт кўринишни ўрнатиш	60
17	“Д” шаклли зигзак қилиш	60
18	Орт чўнтакка тугма қадаш	25
19	Олд чўнтакка халта тайёрлаш	90
20	Орт чўнтак халтани ағдариш	60
20	Чўнтак халталарни дазмоллаш	120
21	Белбоғга қотира ёпиштириш	80
24	Белбоғ тикиш	60
25	Тақилма тайёрлаш	50
26	Карсаж тайёрлаш	110
27	Карсажни дазмоллаш	50
28	Шлёпка улаш	50
29	Ён детални бириктириб тикиш	80
30	Ён чокни очиш	60
31	Шлёпкани кесиш	30
32	Шлёпка тикиш	70
33	Белбоғ ўрнатиш	120
34	Шлёпкага қотирма ёпиштириш	70
35	Памперс ўрнатиш	70
36	Кручок ўрнатиш	60
37	Юриш қирқимини бириктириб тикиш	60

21-жадвал давоми

38	Орт детални бириктириш	80
39	Ички чок очиш	60
40	Белбоғни бостириб тикиш	50
41	Памперс тикиш	40
42	Гулфик тикиш	40
43	Зигзак қилиш	100
44	Изма очиш	80
45	Олд тугма қадаш	70
46	Карсажга нукта қилиш	70
47	Тозалов	180
48	Белбоғни пресслаш	110
49	Чизик чиқариш	80
50	Пресслаш	60
51	Пардозлаш	60
52	Почани кесиш	40
ЖАМИ		3795 секунд (1 соат 3 минут 25 секунд)

**Эркаклар костюм ва шимини тикиш учун фойдаланиладиган
жиҳозлар**

22-жадвал

№	Бажариладиган ишлар	Жиҳоз номи
1	Енгга изма очиш ускуна	AMF REECE
2	Чўнтак халта тикиш ускуна	DURKOPP ADLER
3	Олд ва ёқа изма очиш ускуна	DURKOPP ADLER multiflex
4	Чок машина	Brother S-7200C-403
5	Спучка машина	JIAGONE
6	Ёқа зигзаг ускуна	PFAFF 937
7	Олд ва астарни қоplash ускуна	PFAFF 3822
8	Ички чўнтак “Д” зигзак ускуна	Brother
9	Енг пасадка бериш ускуна	DURKOPP ADLER
10	Тугма қадаш ускуна	JUKI
11	Ёстиқча астарини айланттириш ускуна	DURKOPP ADLER
12	Листочка зигзак тикиш ускуна	PFAFF

Илмий - амалий тадқиқотларимиз натижасида “ASROR TEXTIL” тикув корхонасининг “DURKOPP ADLER”, “BROTHER S-7200”, “PFAFF-937, PFAFF-3822” замонавий тикув машиналарида ишлаб чиқарилаётган эркаklar битта пиджаги учун 3114 секунд, эркаklar битта шимини тикиш учун эса 3795 секунд вақт сарфланаётганлиги, “ZAMIN LUX TEXTILL” масъулияти чекланган жамиятининг “JUKI DDL-900 B-SS”, “JIKI DLM 5200 N”, “JUKI LK-1903A-SS” тугма қадаш ярим аппарати ва DLU-5490 N-7 замонавий махсус тикув машинларида ишлаб чиқарилаётган эркаklar битта кўйлагини тикиш учун 1323,58 секунд, “BASFOR” тикувчилик хусусий корхонасининг “TUPICAL GC 6170”, “TUPICAL GC 6850”, “YAMATA FU 8500”, “TUPICAL GC 6-28” ва “TUPICAL GC 6160” замонавий тикув машиналари- дан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган эркаklar пиджагига ўртача 3588,48 секунд “ANFOR MILANO” масъулияти чекланган жамиятининг “TUPICAL GC 6150”, “TUPICAL GC 6160”, “TUPICAL GH 0056-2”, “YAMATA”, “MINER YA 62761-P3Z” ва “HIKAKI HS -861” замонавий тикув машиналарида тайёрланаётган эркаklar битта шимини тикиш учун 2462,05 секунд вақт сарфланилаётганлиги аниқланди.

Юқорида номлари келтирилган махсус ва ярим автомат тикув машиналарининг айримлари бир вақтнинг ўзида бир неча операцияларни бажариш имкониятига эга. Бу эса ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат унумдорлигини ошириш ва сарф вақтини тежалишига олиб келади.

3.3. Замонавий тикув машиналарини универсал тикув машиналардан фарқини асослаш

Технологик жараён тикувчилик ишлаб чиқариш корхонасининг ихтисослиги бўйича синфланади. Корхонанинг қуввати, асосий кўрсаткичларидан: ишчилар сони ва 3 гуруҳга ажралувчи технологик жараёнлар мисол бўлади. Корхона қувватининг қўшимча кўрсаткичига қўлланилаётган жиҳозлар сони киради.

**Корхонанинг қуввати бўйича технологик жараённинг
синфланиши**

23-жадвал

Кийим тури ва гуруҳи	Ишчи сонига қараб технологик жараён қуввати		
	кичик (м)	ўртача (с)	катта (б)
1	2	3	4
Эркаклар ва аёллар пальтоси, пиджаги ва жикети	7-11	12-20	21-50
Шимлар	4-7	8-14	15-35
Аёллар пальтолик буюмлари	4-7	8-14	15-30

Аёллар кийимининг бирламчи технологик коэффициенти

24-жадвал

Тар- тиб ра қам	Кийимлар тури	Корхоналарнинг ўртача қувватини тақсимланиши				Газла ма тури	Сарф вақтининг фарқи (секунд)
		Универсал тикув машиналарида		Замонавий тикув машиналарида			
		Сарф вақти (секунд)	Асбоб ускуна тури	Сарф вақт (секунд)	Асбоб ускуна тури		
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Куйлак	4620	1022 -М	3420	JUKI DDL 900 BSS	Жун ва ярим жун газлама	1200
2	Халат	4500	1022 -М	3900	JUKI DLM 520 N		600
3	Сарафан жакетлар кичик гуруҳи	4620	1022 -М	3660	JUKI MH-380		600
4	Жакет	4900	97-Акл	3319	TUPICAL GC 6170		1581
5	Блузка	2280	97-Акл	1580	TUPICAL GC 6850		700
6	Жилет	3498	97-Акл	2898	TUPICAL GC 6160		600
7	Тўғри юбка	1988	97-Акл	1200	TUPICAL GC 6160		780

8	Қишки пальто	10758	1022 -М	8987	TUPICAL GC 6850	Палтолик жун газлама	1771
9	Қишки калта пальто	10332	1022 -М	8072	TUPICAL GC 6170		2260
10	Мавсумий пальто	9216	97-Акл	7004	TUPICAL GC 6850		2212
11	Мавсумий калта пальто	8856	97-Акл	5287	TUPICAL GC 6850		3569
12	Болалар спорт костюми	2660	1022 -М	1822	BROUZER 737-913 B40	Пахта толали трикотаж	838
13	Эркаклар майкаси	302	1022 -М	182	BROUZER 511-001-20 882		120
14	Аёллар панталони	800	97-Акл	580	BROUZER 511-014-5 993		220
15	Аёллар тунги куйлаги	2432	1022 -М	1602	BROUZER 272-011-8 993		830
16	Эркаклар футболкаси	1802	97-Акл	800	TUPICAL GC 31630		1022

24-жадвалда бир неча модели тикув ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилаётган замонавий тикув машиналарининг универсал: 1022-м ва 97 А класс тикув машиналаридан сарф вақт меъёри бўйича фарқи келтирилади.

Бу жадвал замонавий тикув машиналарининг айланиш тезлиги ва ишчининг малакасига мувофиқ сарф вақт меъёрини камайтиришни кўрсатади.

Эркалар енгил ва устки кийимларининг технологик жараён кетма-кетлиги бўйича сарф вақтини ишчининг ихтисослиги бўйича ажратилиши 25-жадвалда келтирилади.

Эркалар енгил ва устки ассортиментининг технологик тикиш жараён кетма-кетлиги бўйича тақсимланиши.

25-жадвал

№	Операция-лар ҳақида маълумот	Ихти-сосли-ги	Сарф вақти (секунд)			Асбоб ускуналар
			пид-жак	шим	Сароч-ка	
1	2	3	4	5	6	7
1	Пресслаш давомийлиги	П	335	193,6	111,7	MAX-900 LCS SJ-6KW, ППУ-1
2	Бириктириб тикиш	М	1550	1110,72	363,27	JUKI DDL 87007 TUPICAL GC 6160 BROTHER-7200 C-403
3	Бостириб тикиш	м/м	145	310,51	109,12	JUKI DDL 900 B-SS TUPICAL GK 0056-2 PFAFF-937
4	Дазмоллаш	Д	480	493,71	235,95	WELSSHIV-26 УТП-3, УТП-2
5	Деталларни тўғрилигини текшириш	Қ	304	308	218	ИГНА, ИП, ҚАЙЧИ
6	Тугма қадаш	м/м	41	6,54	88,88	JUKI. LK 1903 A –SS JUKI. LK 1903 A –SS JUKI. LK 1903 A -SS
7	Изма очиш	м/м	60	9,84	34,66	YAMATA, ПАНОНИЯ DURKOPP ADLER

8	Эмблема ўрнатиш	м	45	13,78	81,2	JUKI. MH-380, TUPICAL GC 6170 PFAFF
Жами			2960	2446,7	1242,78	

Эркаклар енгил ва устки ассортиментининг технологик тикиш кетма-кетлик жараёни бўйича сарф вақт меъёри Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган “ASROR TEXTIL” якка тартибдаги хусусий тадбиркор корхонасида, “ZAMIN LUX TEXTIL”, R&M “Basfor” The world classic хусусий тадбиркорлик ҳамда Масъуд Текстил МЧЖ “ENFOR Milano” тикувчилик корхоналарида аниқланди.

25-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида замонавий тикув машиналарида тикилган пиджакка-2960 секунд, эркаклар шимини тикишда-2446,7 секунд, сарочка тикиш учун эса-1242,78 секунд вақт сарф бўлганлиги ёритиб берилди. Бу билан универсал, битта операцияли тикув машиналарда сарфланадиган 1 ± 3 соат вақт тежалганлигини асосланди.

III-боб бўйича умумий хулосалар

Ушбу бўлимда Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган “ASROR TEXTIL” якка тартибдаги хусусий тадбиркор корхонасида, “ZAMIN LUX TEXTIL”, R&M “Basfor” The world classic хусусий тадбиркорлик, Масъуд Текстил МЧЖ “ENFOR Milano” каби тикувчилик корхоналарида олиб борилган илмий-амалий тадқиқотларимиз асосида эркаклар енгил ва устки ассортименти тикиш технологик кетма-кетлиги, кийимга технологик ишлов бериш тартиби ва замонавий тикув машиналарини универсал тикув машиналаридан қуввати ва сарф вақт меъёрини фарқи тикиш кетма-кетлиги бўйича асосланди.

IV-БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ҲИСОБИ

4.1. Иқтисодий самарадорлик ҳисоби

Бозор иқтисодиёти шароитида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасда, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

“Самара”, “самарадорлик”, “ ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўللардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узоқ муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот

сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта куруллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва хаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масаласида ўзига хос бўлган хусусиятларга эгадир. Бу тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида кўл меҳнатининг ҳиссаси бирмунча баландроқ бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларида ўзига хос бўлган улушни ташкил этади. Корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун авваламбор маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат талаб қилувчи жараёнларни такомиллаштириш ва меҳнат сарфини камайитиришга эришишнинг аҳамияти каттадир. Бу тадбир орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўламиз.

Биз ўрганаётган жараёнларда вақт меъёрлари қуйидагича кўринишда бўлди:

Эркаklar шимини тикиш учун вақт меъёри - 2462.05 сек

Эркаklar шимини тикиш учун вақт меъёри – 3114 сек

Эркаklar шимини тикиш учун вақт меъёри - 3795 сек

Тикув ишлаб чиқаришида турли дастгоҳларда маҳсулот ишлаб чиқарганда маҳсулотни тайёр бўлишидаги вақт меъёрлари турлича катталикларда бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда биз энг кам меҳнат талаб этадиган, яъни вақт меъёри кам бўлган дастгоҳни танлаймиз. Қуйидаги жадвалда тикув корхонасида фойдаланилаётган дастгоҳлар гуруҳидаги вақт меъёрлари иккинчи гуруҳ дастгоҳлардан фойдалангандаги вақт меъёрлари билан солиштирилди. Бу бир бирлик маҳсулотни тайёр бўлиши вақтини кўрсатади. Масалан, биринчи гуруҳ дастгоҳларда аёллар

куйлагини тайёрлаш 4620 секунд талаб қилса, иккинчи гуруҳ дастгоҳларда шу маҳсулотни тайёрлаш учун 3420 секунд вақт талаб қилинади. Иккинчи гуруҳ дастгоҳлардан фойдаланилганда ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқариш давомида 1200 секунд вақт тежалади. Биз таҳлил қилаётган тикув корхонасида бу маҳсулот туридан 4000 дона тайёрланаётганини ҳисобга олинса, умумий вақт сарфи тежамкорлиги келиб чиқади:

$$1200 \times 4000 = 4800000 \text{ секунд ёки } 80000 \text{ минут ёки } 1333,3 \text{ соат}$$

**Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган
маҳсулотларни яратиш учун вақт меъёри**

26-жадвал

№	Кийимлар тури	Корхоналарнинг ўртача қувватини тақсимланиши			
		Вақт меъёри (секунд)	Асбоб ускуна тури	Вақт меъёри (секунд)	Асбоб ускуна тури
1	2	3	4	5	6
1	Куйлак	4620	1022 -М	3420	JUKI DDL 900 BSS
2	Халат	4500	1022 -М	3900	JUKI DLM 520 N
3	Сарафан Жакетлар кичик гуруҳи	4620	1022 -М	3660	JUKI MH-380
4	Жакет	4900	97-Акл	3319	TUPICAL GC 6170
5	Блузка	2280	97-Акл	1580	TUPICAL GC 6850
6	Жилет	3498	97-Акл	2898	TUPICAL GC 6160
7	Тўғри юбка	1988	97-Акл	1200	TUPICAL GC 6160
8	Қишки пальто	10758	1022 -М	8987	TUPICAL GC 6850
9	Қишки калта пальто	10332	1022 -М	8072	TUPICAL GC 6170
10	Мавсумий пальто	9216	97-Акл	7004	TUPICAL GC 6850
11	Мавсумий калта пальто	8856	97-Акл	5287	TUPICAL GC 6850

Тикув корхонасида янги замонавий дастгохлардан фойдаланилганда бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришда 4800000 секунд ёки 80000 минут ёки 1333,3 соат вақт тежалади. Тежалган вақт давомида тайёрланиши мумкин бўлган куйлаклар сонини топамиз:

$$4800000 : 3420 = 1403 = 1403 \text{ та куйлак}$$

4800000 секунд вақт давомида 1403 та куйлакни тайёрлаш мумкин. Бу корхонадаги самарадорликни кўрсатади. 1403 та куйлакнинг ҳар бирини тайёрлашдаги меҳнат сарфининг тежамкорлиги асосида йиллик иқтисодий самарадорлик ҳисобланиши мумкин.

Агар корхонадаги ходим йиллик иш вақти ўзгармаган ҳолда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарса иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка эришилиши мумкин. Ишчининг вақт бирлиги учун белгиланган тариф ставкаси соатига 4520 сўмни ташкил этса, 1333 соат учун бу ходим қуйидаги иш ҳақини олиши мумкин:

$$1333 \times 4520 = 6025160 \text{ сўм.}$$

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш — корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

- бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;
- истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;
- айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш.

**Енгил саноат корхоналарида тежаб қолинган вақт бўйича
иқтисодий самарадорлик**

27-жадвал

№	Кийим лар тури	Вақт меъёри нинг тежали ши, сек.	Ишлаб чиқари ладиган маҳсулот сони, дона	Барча маҳсулотга вақт тежамкор- лиги, минут	Тариф ставка си, сўм	Тежалган сумма, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7
1	Куйлак	1200	4000	1333	4520	6025,1
2	Халат	600	4000	666	4520	3010,3
3	Сарафан жакетлар кичик гуруҳи	960	4000	1066	4520	4818,0
4	Жакет	1581	4000	1756	4520	7937,1
5	Блузка	700	4000	778	4520	3516,5
6	Жилет	600	4000	666	4520	3010,3
7	Тўғри юбка	788	4000	875	4520	3955
8	Қишки пальто	1771	4000	1967	4520	8890,8
9	Қишки калта пальто	2260	4000	2511	4520	11349,7
10	Мавсуми й пальто	2212	4000	2458	4520	11110,0
11	Мавсуми й калта пальто	3569	4000	3966	4520	17926,3
Жами:				18042		81549,1

Фаолият кўрсатиб келаётган тикувчилик технологиясидаги дастгоҳларни янги технология бўйича дастгоҳларга алмаштирганда, яъни модернизация қилинганида 11 хил ассортиментда енгил саноат маҳсулотини ишлаб чиқарувчи бир неча тикувчилик корхонасида йилига 81549,1 минг сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилиши мумкин экан.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади

Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жиҳатидан ўлчаниши мумкин. Масалан, ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида қуйидаги формула асосида баҳолаш мумкин:

$$ПТ = \frac{Q}{Ч}$$

Бу ерда:

ПТ - меҳнат унумдорлиги;

Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

Ч - ишловчилар (ишчилар) сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими меҳнат унумдорлигига тесқари катталиқ бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида аниқланади:

$$T = \frac{Ч}{Q}$$

Меҳнат қуроллари(асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тесқари катталиқ бўлиб, янги асосий

фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими (f_o) ва фонд сиғимини (f_e) аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$f_o = \frac{Q}{\Phi}$$

Бу ерда:

Q - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

Φ – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

$$f_e = \frac{\Phi}{Q}$$

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим заҳираси ҳисобланади.

Меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамида сарфланган хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади. Унинг формуласи қуйидагича:

$$m = \frac{M}{Q}$$

Бу ерда:

m - маҳсулотларнинг материал сиғими;

M - маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатларнинг умумий миқдори пул кўринишида;

Q - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, қиймат кўринишида.

Маҳсулотнинг материал сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Бироқ маҳсулот материал сиғимини камайтириш, унинг сифатини пасайтириш ёки технология меъёр ва қоидаларини бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим. Материал сиғимининг бу тарзда камайтилиши иқтисодий жиноят ҳисобланади ва қонунга асосан жазога тортилади.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилигини қабул қилиш мумкин. Бу кўрсаткич куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R = \frac{П}{A} * 100$$

Бу ерда:

R - рентабеллик, хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

$П$ - корхонанинг баланс фойдаси;

A - авансланган капитал(асосий ва айланма).

Нисбатнинг катталашиши меҳнат, молия, технология ва моддий ресурсларидан унумлироқ фойдаланишни англатади. Чунки айнан улар ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлари, маҳсулот баҳосига таъсир

ўтказди. Хўжалик фаолияти минимал харажатлар билан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган жойларда самаралироқ бўлади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи

корхонани топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун биринчидан, фан-техника тараққиётининг айна пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, иккинчидан, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, учинчидан, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, тўртинчидан, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония

корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омиллар, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳамияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларида фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

“Турли баҳя қаторлар геометрик ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда замонавий тикув машиналарида вақт сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш тадқиқи” мавзусида олиб брилган магистрлик диссертацияси бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб, унда энг кам операцияли замонавий технологиялардан яратиш, тикувчилик маҳсулотларига ишлов беришни такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлар ёритиб берилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифасига кўра эркаклар енгил ва устки кийимларини тикиш технологик жараёнларида сарфланаётган вақт меъёрлари ишлаб чиқилди.

Ушбу меъёрни мавжуд универсал тикув машиналарида сарфланаётган вақт меъёри билдан таққосланди. Ишлаб чиқилган вақт сарф меъёри Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган “ZAMIN LUX TEXTIL”, R&M “Basfor” The world classic хусусий тадбиркорлик, Масъуд Текстил МЧЖ “ENFOR Milano” ҳамда Шакиров Абдурозиқ Ғопуржанович номидаги яқка тартибдаги хусусий тадбиркорнинг тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналари замонавий ва юқори сифатли тикувчилик жиҳозлари янги оқим линияларида синовдан ўтказилди.

Эркаклар ва аёллар ассортиментини тикиш учун ишлаб чиқилган сарф вақт меъёри бўйича услубий кўрсатмалар тайёрланди ва юқорида номи келтирилган тикув-трикотаж корхоналарига жорий этилди.

Буюмларни конструкциялаш мавжуд ягона методикаси бўйича эркаклар ва ўсмир ёшли болалар сарочкаси, пиджак ва шим ассортиментини конструкция ва ишчи андозалари ишлаб чиқилди. Вазифасига кўра турли хил тикув машиналарининг бахяқаторлар геометрик ўлчамлари (3-жадвалда) таҳлил қилинди

Тўртинчи боб, Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ҳисоби бўлими бўйича Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган енгил саноат корхоналарининг замонавий тикув машиналарида тежаб қолинган вақт сарф меъёри бўйича иқтисодий самарадорлик миқдори йилига 11 хил ассортимент мисолида 81 549,1 минг сўмни ташкил этиши мумкинлиги асосланди. Амалий ва назарий илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумли фойдаланувчи, замонавий фан ва ютуқларга таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари келажакда ҳам муваффақиятларга эришишни, жумладан бозордаги ўз ўрнини ва рақобатчилик муҳотида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”-Тошкент-2013 йил
2. Каримов И.А “Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”-Тошкент: Ўзбекистон, 1997 йил
3. Каримов И.А “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” -Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил
4. Кулижанова Г.Қ., Мусаев С.С “Енгил саноат маҳсулотлари технологияси” – Тошкент: 2002 йил
5. Никитина И.Г., Шишова В.А “Экономика организация и планирование швейного производства” – М: 1968 г. Стр. 174
6. Реут Т.Н., Конторер Р.Б “Технология изготовления швейных изделий по индивидуальным заказом” М: 1979 г.
7. ЦОТШЛ “Схема разделения труда на пошив женской верхней одежды в ателье высшего разряда”
8. Матузова Е.М, Назарова А.И., Реут Т.Н., Куликова И.А “Швейное производство предприятий бытового обслуживания”. Справочник. М., 1988 г.
9. М.М.Муродов “Наманган текстили Кластери”ни шакллантиришнинг илмий услубий ва амалий масалалари мавзусидаги илмий анжуман материаллари.
- 10.З.Раҳимов, Н.Набижанова, Р.Хожиматов, Ж.Эргашев “Вилоятда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш йўллари” Наманган-2013 йил.
- 11.Рябуха В.Н., генеральный директор фирмы «САПРЛЕГПРОМ», академик Международной Академии информатизации, Хиврина Е.С., начальник отдела маркетинга и информационного сопровождения фирмы «САПРЛЕГПРОМ». <http://www.julivi.com>
- 12.Қ.Т.Олимов, Р.М.Рустамов, Р.Ч.Нурбоев, Л.П.Узоқова “Тикув машиналари” Тошкент-2002 йил
- 13.З.Хақимов. “Наманган текстили кластери”ни шакллантиришнинг илмий услубий ва амалий масалалари мавзусидаги илмий анжуман материаллари. Наманган-2013 йил, 59 бет.
- 14.Нигматова Ф.У “Эркақлар пиджагини лойиҳалаш ва моделлаш” мавзусида ўқув услубий қўлланмаси. Тошкент 2008 й.

15. Интернет сайтлари:

1. <http://www.knitizm.ru>
2. www.pomeshhik.ru
3. [www.konspekt shvei.ru](http://www.konspektshvei.ru)
4. www.lulusoso.com
5. <http://www.sewing.com>
6. <http://www.gemsay.com>
7. <http://www.juki.com>